



ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY MATA PALATASI

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

Ўзбекистон Республикаси
IIV nashri

2010-yil

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28

Fevral

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №07(3848)

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

БОБУР ЛИРИКАСИДА ЁР ВА ДИЁР МАДҲИ

Хар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб англағисен ўзумни.



Жаҳон тарихидан маълумки, давр ўтиши билан не-не маҳобатли шахрлар вайрон бўлиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетган. Қанча дарёларнинг суви қуриб, ўз ўзини ўзгартирган. Аммо шундай маънавий бойликларимиз борки, улар асрлар ўтса-да, ўз қадрини йўқотмайди. Балки замонлар оша қадр-қиммати янада ортиб бораверади. Садаф ичидаги дурдек инсониятни ўзига жалб этаверади. Ана шундай бебаҳо бойликларимиздан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий меросидир. Унинг асарлари туганмас ҳазина. Муталаа этганимиз сайин ундаги теранлик, донишмандлик ва бадий тароватдан ҳайратга тушамиз.

Бобур шеърини чуқур тафаккур уммонидан терилган маъно дурларидир. Унга юзак қарасак, оддий кундалик ташвишлардан туғилган кечинмалар изҳорига ўхшайди. Аммо теранроқ назар солсак, ҳар бир асар заминидан инсониятнинг умумбашарий қисматига дахлдор ҳулосалар ўз ифодасини топангани кўрамиз. Сокин оқаётган дарё тубидаги қудратли ғалаёни ҳис этамиз. Буни Бобурнинг ўзи ҳам кўп ўринда эътироф этган:

Ашъорингим,
шеър оти то бўлғай,
Таъ аҳли анга волау
шайдо бўлғай.
Хар лафзи дури баҳри
маъони анда,
Ким кўрди дуреки, анда
дарё бўлғай?

Бобур ҳам ижтимоий, ҳам ижодий фаолиятида ўз куч-қудратига қатъий ишонган. Айниқса, сўзининг мақомини юқоридаги рубойда аниқ белгиланган. Унинг фикрича, дунёда шеър оти бор экан, унинг муҳлислари ҳам мавжуд. Биринчи байтдаги шундай баҳонани ўзи ҳам шоирнинг ўз ижодига адабиётшунос сифатидаги муносабатини белгиллаб беради. Аммо у бу ҳулоса билан чекланмайди. Иккинчи байтда шоир тафаккурининг рангдор жилолари намоён бўлади. Байт мазмунига кўра шеърининг ҳар лафзи(сўзи)-

да маънолар денгизининг дурлари мужассам. Дур бўлганда ҳам шундай ноёб дурки, унинг ичида дарёлар тўлқин уради.

Шоирнинг маҳорати, сўзга масъулият ва муносабати ҳудди шу ерда юзага чиқади. Шеъринида қўллаган сўзни "маънолар денгизининг дури" дея сифатлаши орқали ўз назминини изохлаб беради. Аммо шоир шу шарҳ билан чекланганда, анъанавий баҳолаш мезонидан чиқа олмас эди. Ундаги бутун санъаткорлик сеҳри сўнгги мисрада энг юқори нуктага етади: "Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлғай".

Дарёнинг тубида дур бўлади. Аммо дурнинг ичида дарё бўлганини ким кўрган. Шоир томонидан топқирлик билан қўлланган ана шу ифода, ҳам ушбу рубойнинг, ҳам шоир ижодининг тароватини белгиллаб берган.

Маълумки, рубойи тўрт мисрадан иборат шеър. Аммо Бобур маҳорати туфайли уларда инсоннинг бутун бошли тақдир, қисмати ифодаб берилади. Ўзига ҳос тимсоллар ва характерлар тизими яратилади:

Эйким, кўёш ул юзунг,
хилол ул қоштур,
Пўлдордур кўнглунг
баринг тоштур.
Номамга агар яхши
жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг
ҳам хуштур.

(Давоми 3-бетда).

Миннатдорлик

КАСБЛАРИДАН БАРАКА ТОПИШСИН!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлубов номига Жиззах вилояти Зомин туманида яшовчи Қаҳрамон Эшмаматовдан миннатдорлик хати келди. Ушбу мактубда жумладан қуйидаги дил сўзлари изҳор этилган:

«Шу йилнинг 22 январь куни «Ласетти» русумли машинада Тошкент шаҳридаги Эндокринология илмий текшириш марказига муолажа олиш учун келгандим. Машинани марказ биноси олдида қолдирдим.

Тиббий муолажаларни олиб, кўчага чиққанимда, номаълум кимсалар машинам эшигини очишгаётганига кўзим тушди. Улар ёнига бориб, бу машина менга тегишли эканини айтганимда, зўравонлар уриб-дўппослаб, тан жароҳати

етказиб, машина салони ичидаги 1200 АҚШ доллари ва 600 минг сўм пул бўлган портфелимни олиб қочиб кетишди. Шу атрофда хизмат ўтаётган ички ишлар идораси ходимларига бу ҳақда муурожаат қилдим. Уларнинг тезкорлик билан амалга оширган саъй-ҳаракатлари натижасида босқинчилар тез орада қўлга олиниб, пулларим ўзимга қайтарилди.

Жиноятни «иссиқ изида» қош этишга муваффақ бўлган ички ишлар идоралари ходимлари, жумладан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ бригадаси 1-дивизиони ЙПХ инспектори, кичик сержант М. Умурзаков ва гуруҳ командири, капитан Н. Маамирзаевларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Халқимиз бошига ташвиш тушганда, дарров улар дардига малҳам бўладиган бу хушёр ва сергак йигитлар касбларидан барака топишсин».

Ўзбекистон – Жанубий Корея:

ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10-12 февраль кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатига Ислам Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар шунингдек, хавфсизлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Халқаро ташкилотлар доирасида-

ги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сиёсат майдонида бири-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бири-бирини қўллаб-қувватлаб келадилар. Хусусан, Ли Мён Бак 2018 йилда бўладиган Қишки олимпия ўйинларига мезбонлик қилиш учун Пхёнчхан шаҳри номзодини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик изҳор этди.

Ислам Каримов ва Ли Мён Бак икки томонлама муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўрта-

сидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи доирасида икки мамлакатнинг турли ва-зирлик ва идоралари ўртасида жами 16 та ҳужжат имзоланди. Уларда ин-фратузилма, тиббиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, ўсимликлар карантини, сайёҳлик, қишлоқ ҳўжалиги ва қатор бошқа соҳаларда ҳамкорлиқни ривожлантириш, шунингдек, Тошкент-да Сеул богини барпо этиш кўзда тутилган.

Шу йил 11 февраль куни мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазири Чон Ўн Чан билан учрашди. Мулоқот чоғида ташриф асосида эришилган келишувларни амалиётга тўла ва муваффақият-ли татбиқ этиш учун икки мамла-кат ҳукуматлари ўртасидаги алоқа-ларни янада фаоллаштириш, улар-

нинг ҳамкорлигини мувофиқлашти-риш билан боғлиқ масалалар му-ҳокама қилинди.

Президент Ислам Каримов Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Хёнг О билан ҳам музокара ўтказди. Давлат-лараро муносабатларни ривожланти-ришда олий қонун чиқарувчи орган-ларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида пар-ламентлараро алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари юза-сидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Миллий ёдгорлик маж-муига ташриф буюрди. Жанубий Кореянинг озодлиги йўлида жон фидо қилганлар хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

Она юрт қалқонлари

ВАТАН ҲИМОЯСИ – ЭНГ ОЛИЙ ШАРАФ

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга қа-кирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чакирув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни принципиал жиҳатдан тубдан ўзгартирди.

Ислам КАРИМОВ.

Юртбошимизнинг 2010 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чакирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматини белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига биноан айни кун-ларда белгиланган танлов ҳамда синовлардан муваф-фақиятли ўтган чакирилув-чилар муддатли ҳарбий хиз-матга жўнаб кетмоқда. Уларни кузатиш, захирага бўшатишларни эса кутиб олиш тадбирлари катта тан-тана билан ўтказилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида чакирилувчиларни навбатдаги муд-датли ҳарбий хизматга кузатиш ма-росими бўлиб ўтди. Унда чакирилув-чиларнинг ота-оналари, яқинлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ва-киллари иштирок этди. Бўлажак ёш аскарларни кузатсангиз, уларнинг нигоҳида эртанги кунга умид, ишонч ҳисси, навқиронлик шижоати акс этиб туради. Ўғлонлар орасида истиқлол-га тенгдош бўлганлари ҳам талайги-на. Барчалари улуг ишга – Ватан ҳимоясини бўлишга бел боғлаган.



Жалолиддин Мангуберди, Тему-р Малик, Амир Тему-р, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждод-ҳисси, навқиронлик шижоати акс этиб туради. Ўғлонлар орасида истиқлол-га тенгдош бўлганлари ҳам талайги-на. Барчалари улуг ишга – Ватан ҳимоясини бўлишга бел боғлаган.

Ҳақиқий ҳимоячиларига айланиш-ларига шак-шубҳа йўқ.

– Муддатли ҳарбий хизматни ўташга лойиқ топилиганимдан ни-ҳоятда хурсандман, – дейди тош-кентлик Денис Фатхутдинов. – Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг электромеханика факультетини тугат-дим. Эгаллаган мута-хассислигим ҳарбий хизматда ҳам ёрдам беришига ишонаман.

– Ҳозирда муддатли ҳарбий хизматга ҳар то-монлама билимни, ил-фор, сара ўғлонлар йўл олишмоқда, – дейди республика ИИБ Қоро-вул қўшинларига қа-рашли ҳарбий қисми-дан гуруҳ қузатувчиси, майор Дилмурод Гадо-ев. – Барчаларининг дунёқараши, фикрлари теран. Кўпчилиги муай-ян мутахассислик ва малакага эга. Армиямиз сафларига ана шундай баркамол ёшларнинг қўшилиши қалбимизда ифтихор ҳиссини уй-ғотади.

Қузатув тантаналарига бағишлаб ўтказилган тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Б. Жуманиязов, Яқкасарой тумани ҳокими ўринбосари А. Иноятов, «Ка-молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ту-ман кенгаши масъул ходими Ҳ. Ина-гомов сўзга чиқиб, бўлажак аскар-ларни она-Ватанга содиқ бўлиб, сид-қидилдан хизмат қилишга чақирди. Шундан сўнг аскарларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яқкасарой тумани кенгашининг эсдалик совға-лари топширилди.

Республика ИИБ Ашула ва рақс ансамбли хушовоз хонандларининг дилтортар қуй ва қўшиқлари ҳамда сўз усталари ижросидаги хангомалар тадбирга фойз бағишлади.

Ҳа, гайрат, шижоат ва юксак иштиёқ билан юртимиз осойиштали-гини асраш, сарҳадларимиз дахлсиз-лигини таъминлаш, энг муҳими, мус-тақиллигимизни мустаҳкамлашга бел боғлаган ботир ўғлонлар бор экан, осмонимиз мусаффо, кўнглимиз хо-тиржам бўлаверади.

Абу КЕНЖАЕВ.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

– Аскар бўлган боламдан айланай!



БУЮК МУТАФАККИРГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳазил мулкининг султони Мир Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 569 йиллиги муносабати билан барча жойларда байрам тантаналари бўлиб ўтди. Республика ИИБ «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳузуридаги махсус мактаб-интернатда ушбу санага бағишланган байрам тадбирини ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари М. Обидова кириш сўзи билан очиб, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг ўлмас ва бебаҳо адабий мероси ҳақида сўз юритди. Буюк мутафаккирнинг асарлари кишиларни ватанпарварлик, халқпарварлик, адолат, инсонийлик ва коммунал сингари гўзал инсоний фазилатларга қорлашни таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг курсантлар Алишер Навоий ғазаллари, рубоийлари, ҳикматли сўзларидан ёд айтишди. «Навоий ва булбул», «Дона савдогар», «Нон иси» номли саҳна кўринишларини маромига етказиб ижро этишди. Шунингдек, Навоий ижоди ва унинг бизга мерос қилиб қолдирган дурдона асарлари бўйича ўқувчилар ўртасида савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Умида БОЛЛИЕВА,
«Поста» мухбири.

ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Тошкент шаҳар ИИБнинг «Алишер Навоий асарларида коммунал инсон тарбияси» мавзусидаги навбатдаги Маърифат дарси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия институтининг проректори, филология фанлари номзоди, доцент Нодир Гафоров Навоийнинг шеърят мулки маънавият ва маърифатнинг асл манбаи бўлиб хизмат қилаётганини баён этиб, бобокалонимизнинг ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олимов бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳаётига боғлиқ қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашди.

Ийгилишнинг муқий қисмида ўзбек халқ қолғу ва «Сабо» ансамблларининг танили санъаткорлари ижросида Навоий ғазаллари билан айтилаётган кўшиқлар янгради. Шунингдек, мутафаккир шоирнинг ғазалларидан намуналар ўқилди.

Юлдуз АШИРОВА,
майор.



Шаҳрихон тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори, лейтенант Акмал Алиев ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги профилактик ишларни яхши йўлга қўйган. У мактаб, коллежларда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб келмоқда. Бунинг самараси ўларок, ёшлар ўртасида жиноятчилик камаймоқда. Сергейрат профилактика инспектори Баркамол авлод йилида ҳам бу каби профилактик ишларнинг узлуқсизлигини таъминлаш ниятида. Бунда у ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш ишларига катта эътибор қаратмоқчи.

Суратда: лейтенант А. Алиев ёшлар билан.

Шавкат ҚАХҲОРОВ олган сурат.

Андижон вилояти.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳар бир ходим зиммасига каттиқ вазифалар қўйилган. Уларнинг мукамал бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ИИБ томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Наманган вилояти ИИБ тергов ҳибсхонаси ходимлари билан ташкил этилган учрашув-семинар ҳам шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда тергов ҳибсхонаси бошлигининг ўринбосари, майор М. Охунов ходимлар фаолиятига қисқача тўхталиб ўтди. Омбудсманнинг вилоятдаги минтақавий вакили О. Нуритдинов Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлимига катта юрист-консулти, подполковник А. Дадабоев «Озодликдан маҳрум этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари» мавзусида маъруза қилди.

Муассаса ходимларининг саволларига мутахассислар батафсил жавоб қайтаришди.

Омонулла УМАРОВ.

Наманган вилояти.

Ўқув-семинар

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасида Давлат ёнгин назорати идоралари ходимлари ҳамда вазирилик, компания ва ташкилотлар мутахассислари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинарни бош бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник М. Мирфайзиев кириш сўзи билан очиб, ўтган йилда ёнгинларнинг олдини олиш, профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш борасидаги бажарилган ишлар тўғрисида гапирди. Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари, майор А. Ибрагимов семинар қатнашчиларини кун тартибидagi масалалар билан таништириб, объекларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ёнгин хавфсизлиги бўлимидаги моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва дебиторлик қарзларини ўндириш борасидаги ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Шундан сўнг Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ходими О. Ҳақимов, республика ЁХББ Меъёрий техник экспертиза бўлими бошлиғи, подполковник А. Султонов, Ёнгин техник лабораторияси бўлими бошлиқлари, майорлар Н. Меденцев ва Ш. Игамбердиев, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр

таъминлаш, биринчи навбатда, объеклардаги муҳандис-техник ходимлар ва ишчи хизматчиларга ёнгиннинг олдини олишга қаратилган меъёр, қоида талабларини, айниқса, объекларда ишга қабул қилинаётган ёш мутахассислар ҳамда ўқув муассасаларидан амалиётни ўтаётган талабаларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш, ёш ходимларни тарбиялаш ва ўқитиш, ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш, ўтказилаётган машғулотларнинг сифатини оши

риш ва бошқа масалалар юзасидан кенг тушултиришлар берилди.

Ўқув-семинар якунида ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасидаги ишлар ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Жаҳонгир СОИПОВ,
республика ИИБ ЁХББ бош
мутахассиси, капитан.

Суратда: тадбирдан лавҳа.



БЕДОРЛИК ОҒУШИДАГИ МАСКАН

Вилоят ИИБда тизимнинг таянч ва қайноқ соҳаси ҳисобланган Навбатчилик қисми ходимларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда бошқарма Ташкилий инспекторлик бўлими ва бўлинмалари, соҳавий хизматлар, шаҳар – туман ИИБлари Навбатчилик қисми навбатчилари ва ёрдамчилари иштирок этди. Уни вилоят ИИБ ТИБ бошлиғи, подполковник А. Юлдашев олиб борди.

Тадбирда навбатчилик қисмлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ички ишлар вазирлигининг соҳага оид меъёрий буйруқлари ва услубий қўлланмаларини пухта ўқиш ўзлаштириш ва амалиётда тўғри қўллаш билан ҳамда рўй берган жиноятларни «иссиқ изида» фожия учун тергов-тезкор гуруҳини воқеа жойига сафарбар этиш, бунда соҳавий хизматлар ҳам-

корлигини мувофиқлаштириш, фавқулодда ҳолатларда тезкор, аниқ қарорлар қабул қилиш юзасидан маърузалар тингланди. Шу билан бирга, ушбу жараёнда жойлардан тушаётган хабарларни қабул қилишда ҳушмуомала бўлиш ва хабар узатувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини инобатга олган ҳолда ҳаракатда бўлиш масалалари ҳам ўқитилди ҳамда соҳа вакиллари янговар шайлигини янада ошириш, қасб маҳоратини юксалтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, иштирокчилар янги бинадаги замонавий техника ва компьютер ва алоқа воситалари билан жиҳозланган бошқарма Навбатчилик қисмида назарий билимларини бойитиб, олиб бориладиган амалий машғулотларда ўзларига тегишли қўникама ҳосил қилишди.

Бобир РАМАЗОНОВ,
майор.

Қашқадарё вилояти.

«Ёшлар орасида наркотик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги

БАРКАМОЛ АВЛОД – БЕҒУБОР АВЛОД

Аввал хабар берганимиздек, республика Ички ишлар вазирининг фармоишига биноан 1 февралдан 1 мартгача мамлакатимизда «Ёшлар орасида наркотик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги ўтказилмоқда. Шу муносабат билан республикаимиздаги барча олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва умумтаълим мактабларида учрашувлар ўтказилмоқда.



ТОШКЕНТ давлат аграр университети талабалари Тошкент вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ходимлари билан учрашди. «Ёшлар орасида наркотик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги доирасида ўтказилган очик мулоқотда вилоят ИИБ ХООБ ходимлари, капитанлар Саидбек Исмоилов, Зулайхо Қаландарова, Акмал Ибрагимов, инспектор, катта лейтенант Эркин Қўлаҳмедовлар талабаларга гиёҳвандликнинг мудҳиш иллат эканлиги, аянчилик оқибатлари борасида сўзлаб бериб, унинг қурбонлари ҳақида мисоллар келтиришди. Улар ёшлар орасида урфа қираётган оммавий маданиятнинг жирканч кўринишлари устида ҳам тўхталди. Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, тубсиз чоҳ бўлган бу бало ҳақида ҳикоя қилувчи «Жаҳолат чангалида» номли видеолавҳа намойишидан сўнг иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Г. АБАЗОВА.

Суратда: тадбирдан лавҳа.
Ш. ҚАХҲОРОВ олган сурат.

ФАРҒОНА. Баркамол авлод йилида ўтказилаётган бу тадбир айниқса, иштирокчилардан катта масъулият ташаб этмоқда. Фарғона давлат университети, Политехника институти, Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент Ахборот технология-

лари университетлари Фарғона филиалида ўтказилган учрашув ва йиғилишларда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худайбергенов, вилоят ҳокими ўринбосари Ш. Турдиқулов, Фарғона шаҳар ҳокими Э. Нуралиев, шаҳар прокурори Б. Деҳқонов, ички ишлар идоралари раҳбарлари ва бошқа масъул ходимлар иштирок этиб, аср вабосига қарши кураш борасидаги ишлар ва бунда ёшларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Тадбирлар очик мулоқот тарзида ўтказилди. Мудҳиш иллат ҳақидаги видеофильмлар ва талабалар ижросидаги театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Б. ОМОНЗОДА.

ЖИЗЗАХ давлат педагогика институтиди бўлиб ўтган учрашувда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоят ОИТС маркази вакиллари иштирок этишди. Тадбирда вилоят ИИБ ЖК ва ТҚБ бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи, майор О. Шерқулов гиёҳвандликка қарши кураш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб, бу иллатга ёшларнинг ҳам ара-лашиб қолаётганини мисоллар билан келтириб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққанлар оғуфрушлар мудҳиш ишлариди айланиб ва қизлардан фойдаланаёт-

гани ачинарли ҳол эканини таъкидлаб, ёшларни оғоҳ бўлишга чақирди. Талабаларда айниқса, аср вабосини акс эттирган видеофильм қизиқлиқ уйғотди. Тадбир очик мулоқот ва савол-жавоблар, мунозараларга бой тарзда ўтди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

ҚАШҚАДАРЁ. Қашқадарё вилоятининг олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактабларда ўтказилаётган тадбирларда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари иштирок этишяпти. Учрашувларда Баркамол авлод йилида ёшларни тарбиялашда уларнинг жамиятимизга ёт бўлган иллатлардан асраш асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланмоқда. Шу боси воҳада спортни ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтларини кўнглили ўтказиб, фойдали ишларга сарфлаш учун шарт-шароит яратиш учун тузилган режалар ҳақида маълумотлар берилди. Қишлоқ ва маҳаллаларда ўтаётган тадбирларда ота-оналарнинг ҳам жалб этилиши учрашувларнинг таъсирчанлигини оширмоқда. Гиёҳвандликнинг мудҳиш кўринишлари акс эттирилган видеофильмлар намойиш этилиши айниқса, иштирокчиларда қизиқлиқ уйғотяпти.

С. РАҲИМОВ.

Одам савдоси – давр муаммоси

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Жаҳон муаммосига айланган одам савдоси нимагини билмасдан туриб унинг оқибатлари қанчалик аянчилик ва фожияли эканлигини тасаввур этиш қийин. Бу ҳақда айниқса, ёшлар етарли маълумот ва тушунчага эга бўлишлари лозим. Чунки, тахлилларга қараганда, одам савдоси қурбонига айланаётганлар орасида ёшлар кўпчилигини ташкил қилади.

Вилоятда одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олий, ўрта ва касб-хунар таълими масканларида самарали олиб борилапти. Навоий шаҳар техника-иктисодиёт коллежидида ўтказилган «Одам савдоси ва унинг инсон психологиясига таъсири» мавзусида бўлиб ўтган семинар шу йўналишдаги кенг қамровли тадбирлардан бири бўлди.

Вилоят «Маҳалла» жамғармаси, МХХ, прокуратура, Ички ишлар бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Навоий минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда одам савдоси жиноят турлари ичида энг жирканчи эканлиги, унинг инсон шакли, қадр-қимматини топташи, ҳўрлаши, қулга айлантириши далиллар ва статистик маълумотлар орқали кенг тушултириб берилди. Тадбир иштирокчилари одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фожия учувчи видеолавҳаларни ҳаяжон билан томоша қилди.

Шунингдек, семинарда сўзга чиққанлар республикаимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, бу борада амалга оши-

рилган ишлар ва режалаштирилган вазифалар ҳақида атрафлича фикр-мулоҳаза юритди.

Сулаймон ШОДИЕВ,
ўз мухбири.

Навоий вилояти.

Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги Саноат касб-хунар коллежиди ва Янгир шаҳар Тиббиёт коллежиди «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг бош мақсади» мавзусида вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚБ одам савдосига қарши кураш бўлими, вилоят Адлия бошқармаси, вилоят фуқаролик ишлар бўйича суди, жиноят ишлари бўйича Янгир шаҳар суди, маҳаллий ҳокимлик идоралари вакиллари ва коллеж талабалари иштирокида семинар-йиғилишлар ўтказилди.

Тадбирларда бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб келаётган одам савдосига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатлари асосий масала сифатида муҳокама этилди.

Йиғилиш давомида ушбу жиноятга қарши курашиш, инсонларни алданиб қолишдан оғоҳлантириш мақсадида турли таклиф ва мулоҳазалар билан ўртоқлашилди.

Шухрат АЛИМОВ,
майор.

Сирдарё вилояти.

Эхтиром

ЭЙ КҮНГИЛ, ГАР БОБУР УЛ ОЛАМНИ ИСТАР ҚИЛМА АЙБ...



Захириддин Мухаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлигида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим, давлат арбоби ва саркардadir. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди.

Шу билан бирга, Бобур лирикасида шеърлигининг асосий мазмуни бўлган инсоний фазилатлар, ёр васли, унинг гўзаллиги, унга чексиз муҳаббат, ҳижрон азоби, айрилиқ аламлари ва висол қувончлари ниҳоят гўзал ва моҳирона ифода этилган.

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз хиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

РУБОИЙЛАР

Рафтори-ю қаддига равоним садақа,
Бир боқишига икки жаҳоним садақа.
Оғзи-ю белига буди нобудим сарф,
Кўзи-ю лабиға жисму жоним садақа.

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълага қулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале санга қулдурмен.

Кўпдин бериким, ёру дийрим йўқтур,
Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим билра,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

ТУЮҚЛАР

Васлдин сўз дерга йўқ, ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айла, кел, ёро манга.
Ўқунг этти кўп ямон ёро манга,
Марҳами лутфунг билра ёро манга.

Жонға солди даҳр гурбат норини,
Кўз ёшим бўлди мўғулнинг норини.
Бу арода мен дегандек бўлмаса,
Кўзлай Иссиқ қўлу андин норини.

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум гаму андуҳ ўтиға ёқилди,
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билман санга шарҳ қилмади ё қилди.

ҲАЗАЛ

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?

Мени хор эттию қилди муддаийға парварши,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму?

Мени ўлтурди жафозу жавр бирла ул қуёш,
Эмди тургузмак учун меҳру вафоси қолдиму?

Ошиқ ўлғач кўрдим ўлимни ўзимга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

ҲАРДЛАР

Ағерға ўқ урубон, дардига даво қиладур,
Бисёр ёмон борадур, ул ёр хато қиладур.


Ишқни ҳар кимки қилур ихтиёр,
Мен каби оламда бўлур хору зор.

Гўшае тутсам жаҳоннинг аҳлидин, ғам кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса мени мен ҳам кўрмасам.

Кўруб ҳижрон ғамин жононға еттим,
Агарчи ранж чектим, жонға еттим.

Ёр қадрини билмадим то ёрдин айрилмадим,
Ёр қадри мунча ҳам душвор экандур билмадим.

БОБУРИЙЛАР ШАЖАРАСИ



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ»

Азиз муштарийлар! Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти 2010 йил – Баркамол авлод йили муносабати билан «БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ», деб номланган совринли танлов эълон қилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижроси юзасидан ички ишлар идораларида амалга оширилётган ишлар ҳақида очерк, мақола, репортаж ва энг яхши хабарлар.
 2. Ички ишлар идораларида бошқаларга ўрнак бўлиб, фидойилик намуналарини кўрсатиб хизмат қилаётган ёш мутахассислар ҳамда воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда юқори кўрсаткичларга эришадиган ходимлар ҳақида очерк ва мақолалар.
 3. Жиноятларни «иссиқ изида» фош этган ёш ходимлар ҳақидаги мақолалар. Детектив қисса ва ҳикоялар.
 4. Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида аъло баҳоларда ўқитган, жисмонан ва маънавий жиҳатдан баркамол иқтидорли тингловчи ҳамда курсантлар ҳақидаги мақолалар.
- Танловга ўзбек ва рус тилларида ёзилган материаллар қабул қилинади ҳамда «Postda», «На посту» газеталари ва «Qalqon», «Шит» журналларида chop этиб борилади.
- Танлов ғолиблари 8 декабрь – Конституция куни арафасида аниқланади ҳамда рағбатлантирилади.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ ВА ҒОЛИБ БЎЛИНГ!

ИИВ Бирлашган таҳририяти.

ЭЪЛОН

Бухоро вилояти ички ишлар идораларининг «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

1. Вилоят ички ишлар бошқармаси (8-365) 221-40-77
2. Бухоро шаҳар ИИБ (8-365) 222-64-59
3. Бухоро тумани ИИБ (8-365) 542-51-02
4. Когон шаҳар ИИБ (8-365) 524-39-16
5. Когон тумани ИИБ (8-365) 527-35-62
6. Ғиждувон тумани ИИБ (8-365) 572-70-09
7. Вобкент тумани ИИБ (8-365) 332-37-02
8. Пешку тумани ИИБ (8-365) 353-22-50
9. Ромитан тумани ИИБ (8-365) 552-39-63
10. Газили ИИБ (8-365) 372-90-98
11. Жондор тумани ИИБ (8-365) 582-18-52
12. Олот тумани ИИБ (8-365) 342-20-92
13. Қорақўл тумани ИИБ (8-365) 565-31-95
14. Шофиркон тумани ИИБ (8-365) 502-26-79
15. Қоровулбозор тумани ИИБ (8-365) 364-14-11
16. Зафаробод ҚМБ (8-365) 21-02
17. Қўриқлаш бўлими (8-365) 223-92-10
18. Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси (8-365) 222-77-15
19. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (8-365) 224-18-43

DIQQAT, TEST!

TARIX FANIDAN TESTLAR

(Davomi. Boshlanishi o'tgan sonlarda).

107. O'rta Osiyodan topilgan eng qadimgi temirdan yasalgan buyumlar nechanchi asrlarga oid?

- a) mil av X-IX b) mil av IX-VIII
c) mil av VIII-VII d) mil av VII-VI

108. O'rta Osiyodan topilgan eng qadimgi temirdan yasalgan buyumlarining ko'pchiligi nechanchi asrlarga oid?

- a) mil av X-IX b) mil av IX-VIII
c) mil av VIII-VII d) mil av VII-VI

109. Hududiy qo'shinchilik jamoasi qaysi davrda shakllandi?

- a) temir b) bronza
c) eneolit d) mezolit

110. Mil. avv. I mingyillik boshlarida O'rta Osiyo aholisi necha guruhga bo'lingan?

- a) 5 b) 4 c) 3 d) 2

111. Quyidagi ijtimoiy tuzumni taraqqiyotini ketma-ket to'g'ri joylashgan qatnori toping?

- a) urug' jamoasi > urug' > hududiy qo'shinchilik jamoasi > qabila > qabilalar ittifoqi > davlat

b) urug' > urug' jamoasi > hududiy qo'shinchilik jamoasi > qabila > qabilalar ittifoqi > davlat

c) urug' > urug' jamoasi > hududiy qo'shinchilik jamoasi > qabila ittifoqi > qabila > davlat

d) urug' > hududiy qo'shinchilik jamoasi > urug' jamoasi > qabila > qabilalar ittifoqi > davlat

112. "Avesto" da berilgan "nman" - bu ... ?

- a) patriarxal oila b) urug' jamoasi
c) qabila d) qabilalar ittifoqi

113. Vis - bu ... ?

- a) patriarxal oila b) urug' jamoasi
c) qabila d) qabilalar ittifoqi

114. "Avesto" da varzana nima?

- a) patriarxal oila b) urug' jamoasi
c) qabila d) qabilalar ittifoqi

115. "Avesto" da zantu nima?

- a) patriarxal oila b) urug' jamoasi
c) qabila d) qabilalar ittifoqi

116. "Avesto" da dah'ya nima?

- a) patriarxal oila b) urug' jamoasi
c) qabila d) qabilalar ittifoqi

117. "Avesto" ga ko'ra, jamiyatning idora qilishning qaysi tizimi mavjud bo'lgan?

- a) oqsoqqollar kengashi > xalq yig'ilishi > alohida tumanlar > viloyatlarning hukmdorlari

b) oqsoqqollar kengashi > alohida tumanlar > xalq yig'ilishi > viloyatlarning hukmdorlari

c) oqsoqqollar kengashi > xalq yig'ilishi > viloyatlarning hukmdorlari > alohida tumanlar

d) xalq yig'ilishi > oqsoqqollar kengashi > alohida tumanlar > viloyatlarning hukmdorlari

118. Aholi ... bo'yicha emas, balki hududiy taomilga ko'ra guruhlarga ajratilishi vujudga kelayotgan davlatchilikning muhim alomati edi?

- a) urug' va qabila b) jamoa va urug' c) jamoa va qabila d) oila va jamoa

119. Ketma-ket tog'ri joylashgan qatnori toping?

- a) nmana > vis > varzana > zantu > dah'ya

b) nmana > varzana > vis > zantu > dah'ya

c) nmana > vis > varzana > dah'ya > zantu

d) vis > nmana > varzana > zantu > dah'ya

120. Qaysi davrda harbiy demokratiyaga o'tildi?

- a) bronza b) temir
c) eneolit d) neolit

121. Dehqonchilik va chorvachilik bundan ... yil oldin paydo bo'lgan?

- a) 11-12 ming b) 10-11 ming
c) 9-10 ming d) 8-9 ming

122. Dehqonchilik va chorvachilik dastlab qayerda paydo bo'lgan?

- a) Eronda b) Hindistonda
c) Old Osiyoda d) Xitoyda

123. Eng qadimgi dehqonchilik markazi qaysi?

- a) Hindistondagi Panjob manzilgohi
b) Xitoydagi Xuanchou manzilgohi
c) Falastindagi Iyerxon manzilgohi
d) Erondagi Tabriz shahrida

124. Sharqda ilk sivilizatsiyalar vujudga kelayotgan vaqtida dehqonlar ... barpo etishgan?

- a) uyalar b) omborxonalar
c) qasrlar d) aholi qo'rg'onchalarida

125. Ixcham aholi qo'rg'onchalarida odatda ... jamoasi a'zolari yashagan?

- a) urug' b) qabila
c) oila d) qarindoshlar

126. Cho'ponlar va dehqonlar o'rtasida nimalar uchun tez-tez urush bo'lib turardi?

- a) suv manbalari b) soz yerlar
c) a va b d) uy-joy

127. Sivilizatsiyalar ko'p miqdorda nimalarni qurish zarur bo'lgan joylarda vujudga kelgan?

- a) sug'orish inshootlari
b) uy-joylar
c) shaharlar
d) ko'chalar

128. Ilk sivilizatsiyalar qayerda vujudga kelgan?

- a) Qadimgi Sharqda
b) Yevropada
c) Xitoyda
d) Afrikada

129. ... sug'orish tizimlarini barpo etish ishlariga rahbarlik qildilar?

- a) harbiy sardorlar va zodagonlar
b) harbiy sardorlar va podsholar
c) zodagonlar va podsholar
d) kohinlar va zodagonlar

130. Necha ming yil muqaddam O'rta Osiyo hududida sivilizatsiya vujudga keldi?

- a) 6 b) 5 c) 4 d) 3

(Davomi bor).

Tuzuvchi T. ESHONOV.

AVVALGI SONDA BERILGAN TEST SAVOLLARINING JAVOBLARI:

86 - c, 87 - c, 88 - c, 89 - a, 90 - b, 91 - b, 92 - d, 93 - d, 94 - a, 95 - b, 96 - b, 97 - b, 98 - d, 99 - c, 100 - a, 101 - c, 102 - a, 103 - a, 104 - d, 105 - d, 106 - d.